

## ФАРОБИЙ ВА ИБН СИНО БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА

*Мамадалиев Немат Қахорович*

*Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти доценти,  
фалсафа фанлари номзоди*

**Калит сўзлар:** ғоя, борлик, рационаллик, билиш, гнесология, универсалия, материя, субъект, сезги, тафаккур, абстракт, конкрет, ақл, атрибут, категория, номинализм.

**Аннотация:** Шарқнинг буюк алломалари Ал Фаробий ва Ибн Сино қадимги грек файласуфларини ғояларини ривожлантиришиб ўз асарларида инсонни оламни қандай англаш, билиш мумкинлиги ҳақида фикр мулоҳазаларини баён этганлар. Улар сезги, ақл ва тафаккурнинг оламни билишдаги ролини кўрсатиб берганлар.

Маълумки, IX-XII асрларда табиий-илмий ва фалсафий фикрлар ривожини бир қатор тарихий сабабларга кўра, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кўчди. Феодализмнинг ривожланиш даврида Ўрта ва яқин Шарқда илғор прогрессив фалсафий ғояларнинг ва табиий-илмий фикрларнинг ривожланишида Марказий Осиё мутафаккирлари катта роль ўйнадилар.

Ўрта Осиёда умумий маданий юксалиш ва табиий-илмий фикрларнинг ривожланиши фалсафий масалаларининг, айниқса, билиш назарияси масалаларининг кенг миқёсда ишлаб чиқилишига шароит яратди. Билиш назарияси масалалари жумладан, Марказий Осиёнинг бир қатор буюк мутафаккирлари Абу Наср Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Улар қадимги давр ва ўрта аср табиий-илмий фикрлари ютуқлари асосида ўз даврининг маданий юксалиши ва ижтимоий амалиёти асосида фалсафанинг айрим масалаларини ишлаб чиқдилар.

Марказий Осиё мутафаккирлари томонида табиий-илмий ва фалсафий масалаларнинг ечилиши математика, физика, медицина, астрономия, фалсафа сингари қатор билим соҳаларини янги маълумотлар билан бойишига олиб келди. Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафа соҳасида қадимги грек фалсафаси, жумладан, грек фалсафасининг, хусусан, Аристотель фалсафасини давом эттиришиб, уни янада ривожлантирдилар. Айниқса бу мутафаккирлар асарларида гнесология масаласида ўз қарашларини ифода этдилар.

Буюк қомусий олим, Абу Наср Фаробий (873-950) оламни билиш мумкинлиги ҳақидаги масалаларга ўз даврининг табиий-илмий ютуқлари нуқтаи назаридан қараб ёритишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича инсон ўзининг барча билимларини атрофини қуршаб турган ҳодисаларини билиш жараёнида ҳосил

қилади. Предметлар сезгилар орқали билиб олинади. Сезгилар сезиш, таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш, кўриш орқали амалга ошади. Ҳар бир сезги тури предметнинг муайян конкрет хусусиятини акс эттиради. Ҳиссий билиш сезги орқали амалга оширилади. Конкрет предмет яхлит ҳолда сезги аъзоларимизга таъсир этган ҳолдагина акс этади.

Унинг фикрича ақлий билиш конкрет предметларни сезиш орқали билиш билан боғланган. Қандай қилиб предметларнинг образлари ақлда пайдо бўлади? Фаробий фикрича, ақлда предметлар образининг пайдо бўлиш жараёни уч усул билан содир булади: биринчи усул — сезгида, иккинчиси — ақлда, учинчиси — предметда. Ҳозирча бизни образларнинг тафаккурда пайдо бўлиши қизиқтиради. «...ақлдан ташқарида бўлган предмет образи предмет материяси ва ҳолати алоқасига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Демак, образ предметдаги ва у нарсага боғлиқ бўлган барча нарсалардан четлашиб (абстрактлашиб) пайдо бўлади» [1]

Шундай қилиб, абстрактлик пайдо бўлиши учун ақл предметларнинг барча конкрет, сезилувчан хосса ва сифатларини фикран ажратиши керак.

Конкрет ҳиссийлик инсон ақлидан ташқарида бўлади, яъни тўла материалистик тарзда белгиланади. Абстрактлик эса иккиламчи предметдан, унинг конкрет ҳиссий хоссалари абстрактлаштирилганда пайдо бўлади ва предметлар хосса-белгиларининг барқарор томонларини акс эттиради.

Бу қоидалар Фаробий билиш назариясида берилган математик тушунчалар моҳиятини очишда ҳам илмий материалистик нуқтаи назарда қолади. Фаробий «Евклиднинг биринчи ва бешинчи китоблари» киришидаги қийинчиликларга оид шарҳларида нуқта, чизиш, юза (сирт) ва шу каби математик тушунчаларнинг қандай қилиб олиншини тушунтиради. «Барча санаб ўтилганлар жисмларда жойлашган ҳамда уларни сезиш ва фикрлаш мумкин», [2] дейди мутафаккир. Демак, унинг фикрича абстракт математик тушунчалар объектив борлиқни прообразларидир, яъни улар моддийдир. Математикани ўрганиш муносабати билан Фаробий билишнинг икки йўлини тавсия этади: «бири, сезгига энг яқин нарсаларни илгари сурувчи йўл, иккинчиси эса ақлга энг яқин бўлган нарсаларни илгари сурувчи йўл»дир.[3]

Яъни, физиклар нуқтаи назаридан олиб қаралганда фойдаланадиган билишнинг биринчи йўли, жисмлар сезгига яқин бўлгани учун ҳам билишни сезгидан бошлаш лозим, чунки сезгилар предметларнинг сезги аъзоларига таъсир этиши туфайли конкрет предметларни инъикос этади. Шундан кейингина жисмнинг кетма-кет юзасини, чизиқларини ва нуқталарини абстракт қараб чиқишга ўтилади. Бу ерда абстракция жараёни оддий абстракциядан бизни мураккаб абстракт нуқтагача олиб борувчи ўзига хос йўлни босиб ўтади. Сезги предметни унинг конкрет физик хусусиятлари билан қўшиб инъикос эттиради. |

Сўнгра биринчи абстрактлаштириш амалга оширилади: физик жисм ўзипинг барча физик хусусиятларидан фикран ажратилган ҳолда олиб қаралади.

Фаробий замондоши, буюк мутафаккир олим Ибн Сино ҳам ўз асарларида билиш (гносеология) назарияси ҳақида фикр ва мулоҳазаларини баён этади. Билиш масалалари ибн Синонинг «Қушлар тили», «Донишнома», «Тиб қонунлари» ва бошқа асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг назарида, ўз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан уни билишдаги аҳамияти, қадри беқиёс, инсон эса ҳамма илмларни табиатдан олади, ундан ўзига даво излайди ва топади.

У инсон билимлари реал борлиқни билиш ёрдамида вужудга келади деб ҳисоблайди. Ҳиссий билиш ва билан тушунчалар орқали билиш бу жараёни асосини ташкил этади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, бунда мантиқ илмининг аҳамияти каттадир. “Ақл тарозисида ўлчамаган ҳар қандай билим чин бўла олмайди, демакки, у ҳақиқий билим эмас.” [4] Ибн Сино Шарқ фалсафасидаги оламни билишда ақл (рационалистик) назариясига таянади. Унинг фикрича инсоннинг ақли бир неча даражага эга бўлиб, асосан ўз тараққиётида тўрт босқични босиб ўтади, сўнгги босқич-етук Ҳақиқатни эгаллаш, дунёвий ақл билан боғланиб кетиш асосида ниҳоясига етади. Ибн Сино ақлга космик характер беради.

Универсалийлар масаласи Иби Сино томонидан номиналистик позицияда ҳал этилди. Иби Сино фикрича, умумийлик нарсаларгача, нарсаларда ва нарсалардан сўнг ҳам мавжуд бўлади. Умумийлик нарсаларгача, нарсаларнинг соф мантикий абстракция сифатида вужудга келиб, тафаккурда кечиб, ягона нарсаларни умумлаштириш ва абстрактлаштириш жараёнида пайдо бўлувчи умумийликни акс эттиради. Ақлда абстрактликнинг умумий тушунчалари қуйидагича пайдо булади: «Якка нарсалардаи тафаккур абстрактлаштириш орқали оддий универсалийларни, материядан у ҳақдаги тушунчаларни, моддий алоқа ҳамда атрибутларини ажратади, улар учун умумий жиҳатлар моҳиятни ажратади». Ақл ёрдами билан олинган абстракцияда предметнинг муайян ўрни, вазияти ва бошқа барча категорияларидан ажратиш жараёнида ҳосил қилинган абстрактлик «унинг нимадан олинганлигига ёки ким қаердан олганлигига» [5] боғлиқ бўлмайди.

Ибн Сино фикрича, ташқи оламни билиш билувчи субъектдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ва билувчи онгида ўз моҳиятини қолдирувчи нарсалар образини ҳиссий қабуллашга асосланади. Бироқ ҳиссий қабуллаш ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзан у сезги аъзолари, абстракт тафаккур орқали амалга оширилади. Абстракт тафаккур орқали ҳиссий қабуллаш турли кўриниш

ва даражада бўлади. «Материядан мавхумланиш баъзан моддий алоқаларнинг барчасидан ёки уларнинг баъзи бирларидан мавхумланиш тарзида бўлади; баъзида шакл материядан ва у ўзининг ҳамма атрибутларидан мавхумлашганда абстрактлаштириш тўла абстрактлаштириш бўлади»

Ибн Сино фикрича, ҳиссий қабуллашда материя унинг шакли, моддий атрибут ва алоқалари билан биргаликда олинади. Ҳиссий абстрактлаштиришнинг чекланганлиги шундаки, сезги шаклини материядан бутун моддий атрибутлардан ажралган ҳолда мавхумлаштиради. Тасаввурда эса мураккаброқ абстракциядан фойдаланилади. Бу ҳолда шакл материядан ажратилсада, аммо материя атрибутларидан ажратилмайди. Ибн Сино кўрсатадики, ақлда қабуллаш «шакли материянинг барча муносабатларидан тўла ажратади»

Бироқ ўша даврда табиий-илмий билимлар яхши ривожланмаганлиги, методологиянинг яхши ишлаб чиқилмаганлиги Шарқ мутафаккирлари абстрактлик предметларнинг ўзида эканлигини, унинг предметларини билиш жараёнида абстрактлаштириш йўли билан ҳосил қилинганлиги кўрсатишига имкон бермади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хайрулласв М. М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. Тошкент, 1963, 210-бет.
2. Хайрулласв М. М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. Тошкент, 1963, 235-бет.
3. Хайрулласв М. М. Форобий., Тошкент, 1993, 110-бет.
4. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тарихидан. (М.Хайруллаев таҳрири остида). Т. 1995. 187 бет
5. Ибн Сина. О душе (фрагмент из «Книги спасения»), В кн: «Избранные произведения мыслителей Ближнего и Среднего Востока», стр.